Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 2-mart № 27 (2752) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Кўклам пойандози

Яшариш, янгиланиш фасли олдидан бозорларимизни турфа дарахт ва гул кўчатлари безай бошлайди. Ҳар бир гиёҳ эзгуликдан дарак беражак бу фаслда ниҳоллар ҳаёт бардавомлигининг рамзи эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Дарахтни боласидек ардоқлаган ўзбегимнинг Боғибаланд, Боғидилкушолари қанча-қанча қалбларни ўртагани, етти иқлимга довруғ солгани сир эмас.

Қашқадарё аҳли мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўша жаннатмонанд боғлар шуҳратини тиклаш учун астойдил бел боғлади. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Тўйчи Жумановнинг маълум қилишича, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида бешта бригадага уюшган икки юзга яқин боғбону соҳибкор жонбозлик кўрсатмоқда. Бу йил баҳорда 300 минг туп эман, япон сафораси, ҳинд сирени, ясен, тол ва бошқа манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилади. Ҳозирга қадар Боғобод кўчатхонасида етиштирилган дарахтлардан 31,5 гектар янги боғ яратилди.

Бундай ободончилик ишлари бошқа вилоятларда ҳам қизғин давом этаяпти. Зеро, кўклам ташрифига бундан гўзал пояндоз топиб бўладими?!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА «ИЖОД» ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг беқиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июлдаги 394-ф-сон фармойишига биноан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизида Уюшма ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган «Ижод» фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш;

ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг тасарруфидаги кўчмас мулкни бошқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.

2. Қуйидагилар:

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Фонд ижро этувчи дирекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясига биноан Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Фонднинг Васийлик кенгаши (Ш.Мирзиёев):

ҳар йили Фонднинг даромад ва харажатлари истиқбол кўрсаткичларини тасдиқлаб борсин;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқсин ва маъқулласин;

Фонд олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, Фондга ҳомийлик ёрдамини жалб қилсин;

Фонднинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини Фонд даромадларининг шакллантирилиши, харажатларининг асослилиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин.

4. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

ноширлик ва матбаа корхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

«Дўрмон» ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан ҳамда Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи абзацида кўрсатилган ажратмалар фойдадан олинадиган солиқ, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ажратмаларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани камайтириши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг:

«Дўрмон» ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини Фонд бошқарувига ўтказиш;

Фонд томонидан «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонасини таъсис этиш ва унга бошқариш учун берилаётган мулкдан самарали фойдаланиш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан Фондга унинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида 2010 йилда 100,0 (юз) млн. сўм маблағ ажратишни, шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда, кейинги йилларда маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилишини таъминласин.

8. Фонд ва «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси 2015 йил 1 январгача барча солиқлардан, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд ва унинг бошқарувидаги «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

9. Фонднинг Васийлик кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда Фонд уставини ҳамда Фонд маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига «Дўрмон» ижод уйи коттежлари ва меҳмонхона хоналарини уюшма аъзоларига ижодий хизмат сафарлари учун фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

11. Фонд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 16а-уй манзилидаги бинога жойлаштирилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф а р м о н и

Ж.Г.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Жаҳонгир Ғафурович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф а р м о н и

А.А.Абдуҳакимовни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Азиз Абдуқаххорович Абдуҳакимов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф а р м о н и

Б.Ю.Ходиевни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Баҳодир Юнусович Ходиев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Тадбир ▶

Фаоллар кенгашиб олишмоқда

Нукус ва Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти касаба уюшмалари фаолларининг йиғилишлари ўтказилди. Уларда «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Йиғилишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова сўзга чиқиб, мамлакатни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, ижтимоий ҳаётда амалга оширилиши кутилаётган улкан вазифаларнинг бажарилишида касаба уюшмаларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Шунингдек, ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда эришилган ютуқларни кенг оммага етказишда касаба уюшмаларининг имкониятдан тўлиқ фойдаланиши муҳим экани ҳақида сўз юритилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажаришда фаол қатнашиш, ходимлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, бўш вақтини сермазмун ўтказиш бугунги кунда касаба уюшмалари олдидаги энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Йиғилишларда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Ниетуллаев, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р.Матрасулов ва бошқалар юқорида зикр этилган йўналишларда амалга оширилган ишлар, уларда касаба уюшма ташкилотларининг иштироки ҳамда галдаги вазифалари тўғрисида тўхталишди.

Маърузаларда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, инқирознинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммага тушунтириш ишларини жонлантиришга эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

Шу кунларда Фарғона шаҳрига туташ Ёрмозор қишлоғида барпо этилаётган янги турар-жой бинолари ҳамманинг эътиборида. «Грод Силк сервиз» масъулияти чекланган жамият бош пудратчилигида «Сендвич» русумидаги 40 та коттеж уйлар қурилиши якунланай деб қолди. Ҳар бири 6 сотихдан, барча қулайликларга эга шинам ҳовлилар Наврўз байрами арафасида эгаларига топширилади. Йил охирига қадар мавзеда юзта хонадон уй тўйларини ўтказади.

Наврўзни янги уйларда нишонлашади

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаяпти. Туманлар ҳудуди бугун катта қурилиш майдонига айланган. Данғара туманидаги Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 93-,102-қурилиш жамланмалари 68 та турар-жой бинолари қурилишини жадал суръатда олиб бораяпти. Ҳадемай Ўзбекистон туманидаги Ҳаётобод, Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоқларидаги 40 та хонадон уй тўйини ўтказади. Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Додҳо қишлоғида бош режа асосида бунёд этилаётган янги мавзе учун 2,5 гектар ер ажратилган эди. Қишлоқнинг 40 хонадони бу йил барча қулайликларга эга уйларга кўчиб киришади.

Янги аҳоли масканларидаги қурилиш-ободончилик ишлари вилоят «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг буюртмасига асосан «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамда «Кредитстандартбанк» молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредит маблағи ҳисобига олиб борилмоқда. Йил охирига қадар 610 та оила кўркам уйлар эгаси бўлади.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
Фарғона вилояти

Тадбир

Фаоллар кенгашиб олишмоқда

(Боши 1-бетда)

Жиззах ва Сирдарё вилоятлари касаба уюшмалари фаоллари йиғилишларида ҳам Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган масалалар муҳокама этилди. Уларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов маъруза қилиб, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш, етакчи базавий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, транспорт ва инфратузилманинг қудратли, замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда касаба уюшмалари фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Сўнгги йилларда юртимиз иқтисодиётида, аҳоли турмуш даражасини оширишда эришилган ютуқларни оммага етказиш борасида касаба уюшмалари имкониятидан тўлиқ фойдаланиши лозимлиги ҳақида ҳам сўз борди.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев, вилоят бирлашган болалар шифохонаси бош врачи, сенатор Х.Алимова, Жиззах туманидаги «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор П.Зиётов, «Жиззахпластмасса» ОАЖ касабақўм раиси А.Ҳасанов, Жиззах давлат педагогика институти касаба уюшма қўмитаси раиси К.Исаев юқорида зикр этилган йўналишларда вилоятда амалга оширилаётган ишлар, уларда касаба уюшмаларининг иштироки ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида гапиришди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, инқирознинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммага етказишни жонлантиришга фаолларэътибори қаратилди.

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси К.Оқбўтаев ва бошқалар юқорида зикр этилган йўналишларда амалга оширилган ишлар, уларда касаба уюшма ташкилотларининг иштироки ҳамда галдаги вазифалари тўғрисида фикрларини баён этишди.

Йиғилишда «Нафис либос» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ўткир Нишонов, Гулистон давлат университетининг проректори Равшанбек Маҳмудов, Сардоба туманидаги «Барака» фермер хўжалиги раҳбари, сенатор Абдумавлон Маҳмудов, Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Хайриддин Мансуровлар сўзга чиқишди.

Ўз мухбирларимиз

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда тармоқ корхона ва ташкилотлари мутахассислари, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари, меҳнат муҳофазаси вакиллари ва ижтимоий шериклар иштирок этди.

— Ўтган йилда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида 202 та жамоа шартномаси тузилишига эришилди, — деди Марказий кенгаш раиси Шавкат Одилов. — Ушбу қонуний ҳужжатларга киритилган бандлар орқали меҳнат муҳофазаси бўйича 1499 та тадбир бажарилди. Бундан ташқари, ишчиларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга 14 млрд. 408 млн. сўм сарфланди.

Ўқув-семинарда «Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат муҳофазаси бўйича устувор йўналишлари», «Меҳнат жараёнида инсон иммунитети танқислиги вируси (ОИТС) ва бошқа юқумли касалликлар муаммолари», «Саноатда касбга оид хавф-хатарни баҳолаш ва уни бошқариш» сингари долзарб мавзуларда малакали мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Тараққиёт қаноти

Биз ишонч билдираётган ёшлар зиммасида жамиятнинг фаол аъзолари бўлишдек масъулиятли вазифа турибди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касбга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис қилиш, иқтидори, касбий мойиллигини аниқлаш таълим-тарбияда бош мезонга айланиб бормоқда. Нарпай туманида 3742 нафар ўқитувчи 34642 нафар ўқувчига сабоқ бераяпти. Ўтган ўқув йилида марказимиз ходимлари самарали меҳнат қилди. 9-синфни тугатган ўқувчилар касбга йўналтирилди. 1744 нафар ўқувчи 10-синфда ўқиш истагини билдирди, қолганлари эса ўқишни лицей ва коллежларда давом эттирмоқда. 2009-2010 ўқув йилида ўқувчиларнинг хоҳиши инобатга олиниб, иккита янги коллеж ишга туширилди. Бу ўз навбатида билим ва ҳунарга чанқоқ ёшларда танлаш имкониятини оширди. Коллежларни тугатган ёшларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш долзарб вазифа саналади. Бу борада бир қатор чоралар кўрилмоқда.

Янги ўқув йили учун ҳам тумандаги коллежлар билан ҳамкорлик шартномасини тузганмиз. Коллежларда ўтаётган «Касблар фестивали»га 9-синф ўқувчилари таклиф этилиб, муассасалар ҳаёти билан яқиндан таништириб борилмоқда.

Ҳамро СУЛТОНОВ, Нарпай туман ХТБ ўқувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис маркази раҳбари

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Фарғона

Яқинда Олтиариқ туманидаги 8-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Алишер Раҳмонов касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.

Шу кунгача таълим ва фан ходимлари Олтиариқ тумани бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси тасарруфидаги 70 дан ортиқ бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди.

* * *

Риштон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошланғич касаба уюшмалари қўмитасида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

— Ҳисобот даврида жамоа шартномаси шартларининг бажарилиши юзасидан 6 ойда ўтказилиши керак бўлган ҳисобот йиғилишлари ва муҳокамалар ўтказилмаган, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакили Абдуллажон Деҳқонов. — Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш, уларнинг болаларини оромгоҳларда дам олдириш масалалари ҳам янги сайланадиган касаба уюшма қўмитасининг диққат марказида бўлиши зарур.

— Ҳамкасбларим томонидан менга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун бор кучимни сарфлайман, — деди янги сайланган касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳабибулло Ғойибов.

* * *

Фарғона вилоят ҳокимлигининг «Фарғона ҳақиқати» газетасида ҳам касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг фаолияти тўғрисида бошланғич ташкилот раҳбари М.Сулаймонов ҳисоб берди.

Йиғилишда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакили А.Деҳқонов касаба уюшма ташкилотининг ишига танқидий баҳо бериб, келгусида амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда таҳририят касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб бўлим мудири Ҳошимжон Нуриддинов сайланди.

* * *

Самарқанд

Пастдарғом туманидаги 26-мактабда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояда кўплаб ишлар қилингани қайт этилди.

Таълим даргоҳига меҳнати синган, марҳум мураббий Комил Қўлдошевнинг хотира турнирини ўтказиш анъанага айлантирилди. Жамоа аъзоларидан бир киши «Йил ўқитувчиси» танловида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади.

Ходимларнинг 27 нафарига касаба уюшма томонидан турли даражада кўмак кўрсатиляпти.

Мактаб жамоаси тажрибали ходим Гулчеҳра Бекмуродовага яна катта ишонч билдирди.

* * *

Тойлоқ туманидаги 21-мактабда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Хусусан, ўқитувчилардан 7 нафари турли сиҳатгоҳларда соғломлаштирилди. 8 нафар ходимга моддий кўмак кўрсатилди. Мактаб ахборот-ресурс маркази 400 минг сўмлик янги адабиётлар билан бойитилди. Йиғилиш сўнггида жамоа аъзолари бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига Дилшод Султоновни сайлашди.

* * *

Андижон

Жалақудуқ туманида фаолият юритаётган «Мима-таштекстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати йил сайин яхшиланиб бораётир.

Ҳозир корхонада 655 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 424 нафари хотин-қизлар. Касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш, оммавий-ташкилий ишлар борасидаги вазифалар тўлиқ бажарилгани эътироф этилди. Мастура Раҳимқулова етакчиликка қайта сайланди.

Йиғилишда Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев иштирок этди.

* * *

Тошкент шаҳар

Сирғали туманидаги «Гузар-Сервис» МЧЖ касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, бошланғич ташкилот фаолияти ижобий баҳоланди. Зебо Қосимова яна касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди.

* * *

Наманган

Яқинда «Водий ипаги» МЧЖ касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси Зокиржон Тўраев иштирок этди ва олдинда турган вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида Г.Казакбаева бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси этиб сайланди.

* * *

Қашқадарё

«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Яккабоғ туман филиали касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, меҳнат хавфсизлиги, соғломлаштириш каби масалалар бўйича белгилаб олинган барча вазифалар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қизғин мунозаралардан сўнг Нажмиддин Нормаҳматов бошланғич ташкилот етакчиси этиб сайланди.

* * *

Яккабоғ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси касаба уюшма қўмитасида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Бошланғич ташкилот раиси Аҳадилла Тожиев ҳисобот даврида эришилган муваффақиятлар, йўл қўйилган камчиликлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди.

Йиғилиш қатнашчилари бошланғич ташкилот фаолиятини яхшилаш бўйича ўз таклифларини айтишди. Аъзолар А.Тожиевга бундан буён ҳам етакчи сифатида фаолият юритиши учун ишонч билдирдилар.

* * *

Хоразм

ОАТБ «Агробанк» Хоразм вилоят бошқармасида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Иш берувчи томонидан ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга йўналтирилган маблағ 171 миллион 433 минг сўмни ташкил қилди. Ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма қўмитасига 50 та ариза келиб тушди. Уларнинг 18 тасида сиҳатгоҳга, 10 тасида болалар оромгоҳига йўлланма, 22 тасида моддий ёрдам кўрсатиш сўралган. Аризалар қаноатлантирилди.

Ўз мухбирларимиз

Ошкоралик руҳида

Урганч «Энергиямонтаж» МЧЖ касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар касабақўм Иброҳим Бековнинг ҳисоботини диққат билан тинглашди. Нотиқ ўтган даврда қўмита аъзолари сони икки баравар кўпайганини алоҳида таъкидлади. Дейлик, 2004 йилда бу рақам 47 нафарни ташкил қилган бўлса, эндиликда 97 нафарга етди. Бу корхонада кейинги олти йилда қурилиш-монтаж ишлари кўпайиб бораётганидан далолат беради. Шунга яраша даромад ҳам ошмоқда. Эндиликда ишчиларга иш ҳақидан ташқари овқат пули, мукофот, меҳнат таътилида компенсация, моддий ёрдам мунтазам равишда берилаётир. Биргина ўтган йили бунинг учун 751 млн. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, корхонада ишламайдиган кам таъминланган оилаларга 1,8 млн. сўм ёрдам кўрсатилди.

Ишчиларнинг шароитини яхшилаш юзасидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Сотиб олинган иншоотлар таъмирланиб янги марказий устахона, магазин, кислород балонларини таъмирлаш цехи, товарларни сақлашга мўлжалланган қўшимча омбор ташкил этилди. Бошқарув аппарати биноси, кўпгина цехлар, вагонлар, ошхона таъмирланди, қўшимча хоналар қурилди. Корхона тамомила янги қиёфа касб этди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинмоқда. Ходимлар махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланган. Аъзоларнинг тоза ва минерал сувга бўлган талаби ҳам қаноатлантирилаяпти. Уларни ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айланган.

— Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси. — Зарарли шароитда ишлаётганларга устама тўланиши гоҳида эътибордан четда қолмоқда. Спорт мусобақаларини уюштиришда бироз сусткашлик қилаяпмиз. Атоқли адиб ва олимларни корхонага тез-тез таклиф қилиб турсак, ходимларнинг кайфияти янада кўтарилган, иш унумдорлиги ошган бўларди.

Конференцияда касаба уюшма қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш натижалари ҳам эълон қилинди.

Конференция касаба уюшма қўмитаси фаолиятини қониқарли деб топди ҳамда Иброҳим Беков қўмита раислигига қайта сайланди.

Йиғилиш сўнггида камчиликларни бартараф қилиш, жамоа шартномаси ижроси устидан назоратни кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини яхшилаш, маънавий-маърифий тадбирларга эътиборни кучайтириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Конференция ишида Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов иштирок этиб, бошланғич ташкилот фаолиятини жонлантириш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

◇Ўзбек пойабзали: имконият ва истиқболлар◇

Излаган

«SCOOTER»ГА БИР КЕЛИНГ...

«Қўқон пойабзали» МЧЖни топиш осон кечмади. Биз тушган автоулов темирйўл вокзалида жойлашган «Scooter» дўконининг олдига келиб тўхтади.

Ичкарига кирдик. Мўъжазгина дўкон гавжум бўлиб, бир неча харидор маҳсулотларни кўздан кечирарди. Қизиқиш устун келиб сўрадик:

— Пойабзаллар қайси корхонаники?

— Ўзимизнинг «Қўқон кендер» кичик корхонасиники, — деди ўзини раҳбар ўринбосари деб таништирган Азизхон Гапаров.

Суҳбат асносида ака-ука Алишер ва Азизхон Гапаровлар 2002 йили мазкур корхонани ташкил этганлиги маълум бўлди. Дастлаб иш осон кечмади. Замонавий технологияга эҳтиёж сезилди. Ниҳоят банкдан имтиёзли кредит олиб, Туркия ва Россиядан асбоб-ускуналар харид қилинди. Шундан кейин ишлар юришиб кетди.

Аввал 4-5 киши билан иш бошланган бўлса, бугун 30 дан зиёд ходим бор. Харидорлар сони кун сайин ортаяпти. Уларнинг пойтахтдаги «Олой» бозори, «Навоий» савдо растаси ва Чилонзор туманидаги дўконлари ҳам ҳамиша гавжум.

— Кўз тегмасин, ишларимиз ёмон эмас, — дейди А.Гапаров. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳамда «ЎзДЭУ»га шартнома асосида махсус пойабзаллар етказиб бераяпмиз. Даромадимиз ҳам меҳнатга яраша бўлаяпти. Имкон қадар Меҳрибонлик уйларига қарашиб турибмиз. Шаҳримизни ободонлаштириш ишларидан ҳам четда қолаётганимиз йўқ.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЎТСИН-ЧИ...

Ушбу корхона айни иккинчи жаҳон уруши қизиган 1942 йилда ташкил этилган бўлиб, пўстин тикишга ихтисослашганди. Йиллар ўтиб, унинг шуҳратидан асар ҳам қолмади. 1994 йилдан бошлаб «Қўқон пойабзали» фабрикаси сифатида фаолият юритди. 1996 йилдан акционерлик жамиятига, 2009 йилнинг 21 июнида МЧЖга айлантирилди.

Бугун корхонада сукунат ҳукмрон. Бир пайтлар иш қайнаган кўп қаватли бино сотилиб, турар-жойга мўлжаллаб таъмирланмоқда. Қолган иморатлар ҳам файзсиз кўринади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги қарорига асосан жамиятнинг цехларини реконструкция қилиш, дастгоҳларни таъмирлаш ва модернизациялаш режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда янги дастгоҳ ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун Хитойнинг «Dashun», «Yital» компаниялари билан музокара олиб борилмоқда. «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси ҳамда «Алп Жамол банк»нинг Наманган бўлими биргаликда шартнома тайёрлаяпти. Сарбон кўчасида фирма дўкони очиш ҳам назарда тутилмоқда.

— 7-8 ойдан кейин келсангиз, бу ерда бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўласиз, — деди МЧЖ раҳбари Фахриддин Йўлдошев. — Модернизацияни тугатиб олайлик, корхонамиз яна ходимлар билан тўлади. Умидимиз катта...

«БОЛАЖОН ОРЗУСИ»

Кенг дарвоза ёнида бир йигит бизни ҳазил билан қаршилади.

Биринчи қаватда жойлашган бичув, тикув, тортиқ, финиш цехларида замонавий асбоб-ускуналар гуриллаб ишлаб турибди. Чеҳраларда шижоат зоҳир.

— Бу ерда ишлаб кам бўлаётганим йўқ, — деди тикувчи Шоҳида Муҳиддинова. — Олаётган маошим ҳам яхши.

— Ишни жонлантириб юбориш осон кечмади, аммо биз ҳам бўш келмадик, — дейди мутахассис Усмон Эрматов. — Ниҳоят, меҳнатимиз самарасини кўриш насиб этди.

«Имано групп» ўзбек-хитой қўшма корхонаси 2008 йилнинг ноябр ойида ташкил этилган.

— Унгача биз тери ишлаб чиқариш билан шуғулланардик, —дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Азизхон Акрамов. — Сўнгги пайтларда ишимиздан кўнглимиз тўлмай қолди. Йирикроқ ишни бошлаш иштиёқида Хитойдан ҳамкор қидирдик. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шиндон Хуйлинг ченда» фирмаси билан шартнома имзоладик. У замонавий технология билан таъминлади. Уч мутахассис келиб, ишимизни йўналтиришга кўмаклашди. Собиқ Қўқон мебел комбинати биносининг бизга берилиши эса айни муддао бўлди.

Ҳозир бу ерда 25 турдаги эркаклар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда. Дастлаб 10 киши билан иш бошланган бўлса, бугун уларнинг сони 90 дан ошди.

— Шунча киши ишлаётган экан, нега ҳанузгача бошланғич касаба уюшма қўмитаси тузилмаган? — деб сўрадик А.Акрамовдан.

У бироз ўйланиб:

— Раҳбар Хитойда, хизмат сафарига кетган, қайтиши билан бу масалани кўриб чиқамиз, — деди.

Ishonch
2010-yil 2-mart №27 (2752)

Ассалом, баркамол авлод йили баҳори!

Баҳор мушоираси

Юртимизда баҳор. Ёмғир томчиларидан исирға таққан Кўкламой қадам ранжида қилди. Буни кўнглидан ўтказган одам борки, шукроналик, қувонч ҳисларини дилдан туяди.

Одамларнинг юз-кўзидан қувончу бахтиёрлик ёғилади бу кунларда. Бошқа ҳеч бир фасл бундай тараддуд билан кутилмайди. Чунки баҳор эзгуликнинг, қаҳратоннинг устидан ғолиб чиққан илиқликнинг, музларнинг совуқ вужудини енгган нозикина бойчечакнинг тантанаси.

Бугун ҳам сизга илинганларимиз баҳорнинг ўзидай илиқ, майсалари учидаги шабнамдек ёқимли сатрлардир. Навоий бобомиз таърифлаганидек, табиат «қизил, сориғ, яшил»га бурканажак кунлар кутлуғ бўлсин!

Қари билганни...

Яратганга шукр, саксон учинчи кўкламимга ҳам етдим. Умримнинг навқирон фасллари деҳқончиликда ўтди. Кетмон чопиб кўриқ очганларим, сув талашиб ёқалашганларим, уйимизга бир қоп буғдой кирганида бошим осмонга етиб, суюнганларим ҳамон ёдимда. Салкам ўттиз йил далада бригадирлик қилиб, топшириқ-режани ортиғи билан бажардим. Аммо, ўйлаб кўрсам, шунча меҳнат қилиб қосам оқармабди. Ҳаёт фақат даладан, меҳнатдан иборат деган тушунча миямизга кўрғошиндай ўрнашиб қолган экан.

Аслида, бу гапларни эслашга ҳожат йўқ. Яхшими, ёмонми умр ўтди. Лекин яқинда кенжа ўғлим Олимбойнинг қистови билан унинг «Нексия»сига ўтириб, Андижонга бордик. Чиройли кўчалар, бир-биридан кўркам иморатлар, одамларнинг кийиниши, муомалаларини кўриб, давр ўзгаргани, шундай файзли замонлар келганини дилимдан ҳис қилдим.

Андижонга кам борсам-да, Шаҳрихонни, Холдовонбекни, ўзимизнинг Найнавони кунора кўраман. Аслида қишлоғимиз ҳам шаҳардай гап. Ҳамма нарса бор. Узоққа бормай, кенжатойим Олимжон бир дўсти билан сутни қайта ишлаш заводи қурди. Жияним Кўчқорбой қўшқаватли чойхона тиклади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда дасти узун, рўзғори бут кишилар кўпайиб бормоқда. Яратганга шукр, демак, ўзига тўқ одамларнинг юриш-туришидан яхшилик йўлида огоҳ бўлишимиз ҳам улуғликнинг ҳикматидир. Токи, бойлар топган пулига фақат кошоналар солиш, қўша-қўша машиналар олиш, тўйтомошаларда исрофгарчиликни кўпайтириш ўрнига ўзларининг, ёнатрофдаги кўни-қўшниларнинг қобилиятли, билимга чанқоқ болаларини ўқитишсин, Ватанга садоқатли, эътиқодли қилиб ўстиришсин.

Ниҳоят, кўксимдаги яна бир эпкин — шукроналик. Бугунги осойишталикнинг неъматини ёшларга уқтирайлик. Илло, тинчлик, танисиҳатлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат бор жойдан барака аримайди.

Даврон бобо ЎРМОНОВ,
меҳнат фахрийси

Ёруғ кунлар шукронаси

Сийлов

Серфайз баҳор кунларидан бири. Қоратоғ этагида ҳордиқ чиқариб қайтаётгандик. Машина адирликлар белбоғи саналган дашт йўлида кетмоқда. Баландликдан ўтгач, улов яна аввалги маромига тушиб олди. Ҳар иккала ёнда алвонранг қизғалдоқзор мафтункорлигини айтмайсизми!



Кутилмаганда ҳамроҳим Назиржон уловни секинлатиб, рулни йўл четига бурди.

— Қаранг, жўражон, қўзичоқ. Онаси сурув билан кетиб қолганга ўхшайди. Ҳали кўзлари ҳам борлиққа носинашта.

Жонлиқ шувоқларга суриниб йиқилар, кейин яна куч тўплаб, тетапоя қилишга уринарди. Сурув бўлса, адирдан анчагина олислаб кетган. Назиржон улов сигналини босиб, чўпон болани огоҳлантирмоқчи бўлганди, иккита ҳайбатли кўппак беўхшов ирриллаганча, биз томонга юра бошлади.

— Бу ерда қолдирсак, нобуд бўлиши мумкин. Табиат сийловини олиб кета қолайлик.

Ҳамроҳим шундай деб, қўзичоқни авайлаганича олиб, улов юкхонасига жойлаштирди.

Чанг кўчаларни ортда қолдириб, қишлоққа томон юра бошладик. Жўрамнинг ҳовлиси рўпарасида уловдан тушган ҳам эдикки, машина шовқинини эшитган ўғли югуриб пешвоз чикди.

— Дада, дадажон! Кўйимиз ўлик туғди.

— Йўғе-е, нега...? — Бироз ўйланиб тургач, Назиржон қўл силтаганича ўғлига таскин бера бошлади. — Она қўйинг соғ бўлса, бўлди. Қани, бу томонга юр-чи...

Юкхонада майин кулранг юнглари товланганча ётган қўзичоқни кўриб, болакайнинг чеҳрасида қувонч жилваланди. Қўзичоқ ҳовли тўридаги молайвон сари югуриб кетди. Секин-аста ортидан етиб борганимизда, очиққан жонивор чўлпиллатганча она қўй елинидан бахра олаётганди.

Қаранг-а, аввал эриш ишга ён берганимдан хижолатда бўлсам, шу тобда тарозибон она табиатнинг аниқ ўлчовидан лол қолдим.

Мансур ЗОИР

Уйғониш

Томларни тепкилаб ўйнайди ёмғир,
Дилга ваҳималар солар тарновлар.
Сувлар лойқаланар, осмон қорамтир,
Кўнгилни ситар сирли оловлар...

Офтоб шошиб чиқар булут ортидан,
Бирданига порлаб кетади олам.
Буғлар кўтарилар ернинг бағридан,
Қозиқдан бўшалар бузоқчалар ҳам.

Қучоқлагинг келар улоқчаларни,
Кўзичоқлар билан ўйнагинг келар.
Яшиллик қоплаган шу далаларни,
Қалбингга умрбод бойлагинг келар.

Гўёки чуқур тин олади замин,
Боласи тузалиб қолган онадай.
Сояли бетлардан кўчар бирма-бир,
Сумалаклар нохос синган ойнадай.

Уруғлар уйғонар шудгор остида,
Кўришга шошилар дунё юзини.
Кўкатлар терилиб қолар растада –
Инсонга бахшида этар ўзини...

Дарахтлар дур сочиб йиғлаб юборар,
Куртаклар кулади улар ҳолига...
Асфалтлар оҳиста хўрсиниб ётар,
Ёнбошлаб олгиси келар ёнига...

Кексалар шукрона айтар кунгайда,
Кўксини тўлдирар ҳаво симириб.
Хатто соҳиби йўқ бир хароб уйда,
Қалдирғоч полопон очар ин қуриб.

Ўспирин боладай югурар шамол,
Ари яна гулни топиб олади.
Атрофга миллионта капалак мисол,
Табиат поёндоз – гилам солади.

Кўнгил конгликларни истай бошлайди,
Енгилган қаҳратон уст-боши юпун.
Баҳорой келиндай қадам ташлайди,
Тантана бошланар – бугун Янги кун!

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

«Куртаклардан отилган иқрор...»

Хаёлимга шеърлар ёзаман,
Куртаклардан отилган иқрор.
Эрта баҳор нафаси каби
Кўнгилларни тебратган ифор.

Гулдуроснинг шиддати баланд
Тирикликни қучган томчилар.
Исёнларни уйғотиб юбор
Соғинганим— кўк илҳомчилар!

Кафтин тутиб самовий меҳр
Қоқа бошлар тоғлар бошини.

Гунчаларда балқий бошлади,
Яширса-да севинч ёшини.

Уфқларга қочган тасаввур
Япроқлардек улғаяр аста.
Гўзалликка тўйинган шабнам
Учрай бошлар ҳар бир нафасда.

Кенгликларни истаган руҳим,
Шамолларга эргашган кўнгил.
Гуллар билан дўстлашиб олиб,
Узоқларга кетамиз, юргил!

Акмал ТОШ

Ибтидор

Филон табиатининг шайдоси

Қадимий қишлоқ. Тоғ манзаралари. Мусаффо осмон. Пурвиқор қоялар. Кузда шарбатга тўла боғ-роғлар. Камтарин, камсуқум, ҳар қарич ерни ардоқлаб, экин-текин қилаётган фидойи одамлар. Ирмоқларда жилдираб оқаётган зилол сувлар. Минг хил наботот ва ҳайвонот дунёси. Баҳорда теварак-атрофни безаган лолақизғалдоқлар.

Буларнинг барчаси иқтидорли рассом Муҳаммади Чоршанбиев учун илҳом ва ижод манбаи. У ана шундай сўлим масканда яшайди. Қишлоқ аҳли деҳқончиликдан ташқари дурадгорлик, қурувчилик, наққошлик, ҳатто чолғу асбоблари ясаш билан ҳам шуғулланади.

Ўзи яшаётган ҳудуд манзаралари Муҳаммади қўлига қалам тутқазди. Чорак асрдан бери рассомчилик билан шуғулланади. Соз чалиб, қўшиқ айтади.

Муҳаммади аканинг ўғли Жамшид ҳам ота изидан бориб, пойтахтдаги Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институти магистратура босқичида таълим олаяпти.

— Таниқли рассомлар қишлоғимизга тез-тез келиб туришади, — дейди Жамшид мамнунлик билан. — Айниқса, Акмал Нур, Александр Ли, Махмадиёр Тошмуродов, Леким Ибрагимов, Виктория Трошина, Искра Шин сингари мўйқалам усталари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг ижодий тажрибаларини ўрганиб бораяпман. Республика кўргазмаларида «Филонда қуёш ботаётганда...», «Олтин куз», «Отам портрети», «Ҳамсоялар», «Эски тегирмон», «Ой тўлишган кечада» каби кўплаб асарларим юқори баҳоланганидан хурсандман.

И. ИСОМИДДИНОВ

Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейишади. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган ака-укалар — Одилжон, Ваҳобжон, Муқимжон, Комилжон, Маъруфжон ҳам тунукасозликка болаликданоқ қизиқишганди.

Тунукасозлар сулоласи

Бу ҳунарнинг орқасидан бобоси Ҳошимжон Бекчаев, тоғаси Юсуфжон Бекчаев, отаси Камолиддин Муҳиддиновлар элнинг дуосини олишганди. Энди ота-боболарининг ишини мукаммал эгаллаб, янгиликлар билан бойитиб, замонамиз кишиларининг дидига мос анжомлар тайёрлаб беришаётир.

Одилжон ва Комилжонни иш устида узоқ кузатдик. Тунукани керакли ўлчовда бир текис қилиб қирқиб, темир қисқичга маҳкамлаб, текислаш, қолипга солиб шакллар ясаш, оловда қиздириш каби юмушларни ниҳоятда чаққонлик билан бажаришарди.

— Тунукасозлик қадимий касб, — дейди Одилжон Муҳиддинов. — Бу ҳунарни биз қўлдан келганча такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Марҳамат шаҳрида асосан бизнинг авлодимиз тунукасозлик билан шуғулланади, десам муболаға бўлмайди. Шогирдлар тайёрлашга ҳам эътибор бераяпмиз. Муҳаммаджон Ҳамиджонов, Фарҳод Камолиддинов бу соҳани қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Абдурасул ЭРГАШЕВ

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Таэквондо WTF

Якинда Ўзбекистон таэквондочилари (WTF) АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида 19-анъанавий таэквондо (WTF) бўйича Америка очиқ чемпионатида (U.S. OPEN — 2010) муваффақиятли қатнашиб қайтди.

Евгениянинг муваффақияти

Ушбу нуфузли тадбирда жаҳоннинг 60 дан зиёд давлати спортчилари қаторида ўзбекистонлик таэквондочиларнинг ўн нафари муносиб кураш олиб боришди.

Чемпионатда оғир вазн тоифасида иштирок этган терма жамоамиз аъзоси Евгения Каримова кумуш медал билан тақдирланди. Спортчимиз ғалабаси шарафига мамлакатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди. Яна бир вакилимиз Ким Димитрий эса 74 кг.гача вазнда бронза медалига сазовор бўлди.

Футбол

Термамизнинг илк учрашуви

Эртага футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси жорий йилдаги илк расмий учрашувини ўтказади. Осиё кубоги — 2011 саралаш турнирининг сўнгги турида БАА футболчилари меҳмонимиз бўлишади.

AFC Asian Cup QATAR 2011

Бу ўйин иккала терма жамоа учун ҳам ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини мухлислар яхши билишади. Чунки «С» гуруҳидан Қатардаги Осиё чемпионатига бериладиган икки йўлланмага бу терма жамоалар муддатидан олдин эгалик қилиб бўлишган. Лекин ушбу беллашув шуниси билан қизиқки, иккала миллий терма жамоа таркибида «Бунёдкор» ва «Ал-Ваҳда», «Пахтакор» ва «Ал-Айн» каби Чемпионлар лигасидаги рақобатдошлар тўп суради.

Аслида, Миржалол Қосимовнинг дастлабки рўйхатида бир қатор ёш футболчилар — М.Холмуҳамедов, Ф.Мусаев, З.Пиримов, С.Мамадалиевлар ҳам бор эди. Яъни, бош мураббий терма жамоанинг яқин орадаги захирасини ҳам синовдан ўтказиб олмоқчи эди. Аксига олиб, олимпия термамиз ҳам йиғин ташкил этгани боис, юқорида номлари зикр этилган футболчилар Аҳмад Убайдуллаев ихтиёрига берилди. Фақат, Ислом Тўхтахўжаев миллий термамиз сафига йўл олди. Олимпиячиларимиз 3 март куни Қатарда ушбу мамлакат олимпия термаси билан ўртоқлик ўйинида майдонга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон – БАА учрашуви эртага «Пахтакор» марказий стадионида соат 18:00да бошланади.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: N.Махамов
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00.
Topshirildi - 22.50

Buyurtma G — 252

18018 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 4 5